

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2021 йил июнь ойининг 25 кун жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг судьяси М.Улуғбеков, халқ маслаҳатчилари С.Холматов ва Г.Тошматовалардан иборат таркибда, М.Фармонованинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Ғ.Рузиев, судланувчи Т.Тўронов ва унинг ҳимоячиси М.Игамбердиева, судланувчи Х.Акрамов ва унинг ҳимоячиси адвокат С.Улканов, судланувчи Ф.Ядамов ва унинг ҳимоячиси адвокат Д.Шариповлар иштирокида Тўронов Соҳибжон Суннатилло ўғли, Акрамов Хуршиджон Акбаржон ўғли ва Ядамов Файзали Фарходжон ўғлига оид **1-1503-2102/441**-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Тўронов Соҳибжон Суннатулла ўғли, 21.07.1989 йилда Қўқон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, уч нафар фарзанди бор, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2014 йил 21 октябрь кунги ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан юритилган жиноят иши ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми тартибида тугатилган;

2) жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2015 йил 20 июлдаги ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2017 йил 22 декабрь кунги ажрими билан ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмаган 2 йил 6 ой 16 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси, шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2019 йил 24 январь кунги ажрими билан ўталмаган 2 йил 2 ой 12 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ЖКнинг 46-моддаси 4-қисмига



асосан, шу муддатга озодликни чеклаш жазосига алмаштирилган, ўталмаган жазо муддати 2 ой 7 кунни ташкил этади, ишламайди, Қўқон шаҳар, Орзу кўчаси, 1-уйда яшайди, эҳтиёт чора тариқасида 2021 йил 06 февраль кунидан қамоқда сақланмоқда, айблов хулоса нусхасини 2021 йил 21 апрель куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан айбланган,

Акрамов Хуршиджон Акбаржон ўғли, 29.12.1996 йилда Қўқон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, уйланмаган, муқаддам судланмаган, депутатликка сайланмаган, ишлмайди, Қўқон шаҳар, Янги чорсу кўчаси, 51-уйда яшайди, эҳтиёт чора тариқасида 2021 йил 27 январь кунидан қамоқда сақланмоқда, айблов хулосаси нусхасини 2021 йил 21 апрель куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан айбланган,

Ядамов Файзали Фарходжон ўғли, 08.01.1998 йилда Қўқон шаҳрида туғилган, миллати тожик, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, бир нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Данғара тумани судининг 10.10.2012 йилдаги ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 119-моддаси 4-қисми билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 85-моддаси тартибида 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, депутатликка сайланмаган, ишламайди, Қўқон шаҳар, Орзу кўчаси, 17<sup>А</sup>-уйда яшайди, эҳтиёт чора тариқасида 2021 йил 27 январь кунидан қамоқда сақланмоқда, айблов хулосаси нусхасини 2021 йил 21 апрель куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан айбланган.



Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара сўзларини, судланувчиларнинг охириги сўзини тинглаб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб, жиноят ишида мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### **АНИҚЛАДИ:**

Судланувчи Тўронов Сохибжон Суннатилло ўғлининг ноқонуний ҳаракатлари юзасидан Қўқон шаҳар ИИО ФМБга келиб тушган аризани текшириш мақсадида 2020 йил 26 январь куни соат 20<sup>00</sup>ларда ДХХ Фарғона вилояти Қўқон шаҳар бўлими, Фарғона вилояти ИИБ ТЭҚКБ ва Қўқон шаҳар ИИО ФМБ ходимлари томонидан ўтказилган махсус тадбир давомида С.Тўронов махсус харидор билан телефон орқали 10 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситасини 2.000.000 сўмга сотишга келишиб, ўзининг жинойий шериклари Х.Акрамов ва Ф.Ядамовлар орқали Қўқон шаҳар, Фаробий кўчасида жойлашган “Шодлик” номли автомашиналарга газ қуйиш шаҳобчаси олдида махсус харидорга 2.000.000 сўм пуллар эвазига кўп миқдордаги 8,60 грамм гашиш гиёҳвандлик воситасини сотишган вақтида тадбир иштирокчилари томонидан ушланиб, махсус харидордан 8,60 грамм гашиш гиёҳвандлик воситаси, Х.Акрамовдан тадбирда фойдаланилган 2.000.000 сўм пуллар ва С.Тўроновга тегишли бир дона “Nokia” русумли телефон аппарати ашёвий далил тариқасида олинган.

Ўтказилган судга оид кимёвий экспертизасининг 27.01.2021 йил кунги 27-сонли хулосасида, махсус харидор топширган бир дона целлофан пакетда бўлган қора қўнғир рангли, қуруқ ҳолдаги, ўткир ўзига хос хидли «Гашиш» гиёҳванд моддасига ўхшаш модда таркибида гиёҳвандлик тетрагидроканнабинол мавжуд моддаси бўлиб, ушбу модда “Гашиш” деб аталувчи гиёҳванд воситалар туркумига кириб, унинг соф оғирлиги 8.60 (саккиз бутун юздан олтмиш) грамм эканлиги аниқланган.

Судланувчи Тўронов Сохибжон Суннатилло ўғли суд мажлисида айбига иқрор бўлмасдан, 2021 йил 22 январь куни турмуш ўртоғи К.Тўронова фарзандини шифохонага олиб борган вақтида унга тегишли “Нокиа” русумли телефон аппаратини ўзи билан бирга олиб бориб йўқотиб келганини, шундан буён телефонида фойдаланмаганини, телефони оддий, арзон аппарат бўлгани сабабли уни ахтармаганини, ўзи фойдаланиб келган рақамга қайтиб телефон ҳам қилмаганини Акрамов Хуршид исмли болани танимаслигини, унга тегишли “Нокиа” русумли телефони қандай қилиб уни қўлига тушиб қолганига изох бера олмаслигини, Ядамов Файзали билан бир маҳаллада яшасада у билан гиёҳванд моддасини сотиш бўйича гаплашмаганини, Солиев Бехзод исмли таниши билан тадбир бўлишидан бир неча кун олдин телефонда гаплашиб, ундан хўроз сотиб олганини ва тахминан 2021 йил 28 ёки 29 январь кунлари у билан кўришиб сотиб олган хўрозини пулини бериб



юборганини, 2021 йил 26 январь куни телефони ўзида бўлмагани сабабли Солиев Бехзод исмли таниши билан гаплашмаганини, суд мажлисида нима сабабдан Бехзод 2021 йил 26 январь куни у билан хўроз масаласида гаплашгани ҳақида кўрсатма бераётганига изох бера олмаслигини, шу куни махсус харидор билан ҳам умуман гаплашмаганини, бу ишлар билан шуғулланмай қўйганини, илгари ЖКнинг 273-моддаси билан судлангани учун гиёҳванд моддасини сотиш оқибатини яхши тушунишини, тергов давомида ИИБ ходимлари томонидан Ф.Ядамов ва Х.Акрамовларга тазиқ ўтказилгани сабабли унга қарши кўрсатма беришганини инобатга олиб ўзига нисбатан адолатли қарор қабул қилишни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи Ядамов Файзулло Фарходжон ўғли суд мажлисида, айбига иқроор бўлмасдан 2021 йил 26 январь куни уй ишлари билан банд бўлиб, сўнг кўчага чиққан вақтида Хуршид исмли танишини кўриб, у билан гаплашиб қолганини, Хуршид билан танишганига икки ой бўлганини, у билан бироз гаплашиб турган вақтида Хуршид уни эгнидаги куртқасини ўнг чўнтагига целлофан пакетга ўралган нарсани солиб қўйиб, бироздан сўнг сўраганида олиб келиб беришини айтиб ўзи эса йўлнинг қарама-қарши томонига ўтиб кетганини у эса йўлни бўйида уни кутиб қолганини, Хуршид йўлни бўйида турган сариқ рангли “Матиз” русумли машинага ўтириб бироздан сўнг, уни ёнига чақирганида Хуршидни ёнига бориб, бироз олдин чўнтагига солиб қўйган нарсани унга бериб, ўзи ортига қайтиб кетаётган вақтида ИИБ ходимлари ёнига келишиб, ўзларини таништириб, уларга нисбатан тадбир ўтказилганлигини айтишиб, таниши Хуршид билан бирга ИИБ биносига олиб келишганини, Сохиб исмли шахсни танисада у билан гиёҳванд моддасини сотиш юзасидан гаплашмаганини, Хуршид уни чўнтагига солиб кетган целлофан пакетдаги нарсани мумиё деб ўйлаганини, агар Хуршид унга берган нарса гиёҳвандлик воситаси эканини олдинроқ билганида бу ишларни қилмаган бўлишини, оилавий шароитини инобатга олиб ўзига нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи Х.Акрамов суд мажлисида, айбига иқроор бўлмасдан, Кўқон шаҳри бўйлаб машинада такси хизматини кўрсатиб келишини, тахминан 2021 йилни 22 январь куни мижозларидан бири уни машинасида “Нокиа” русумли телефонини қолдириб кетгани сабабли ушбу телефон аппаратидан фойдаланиб келганини, тадбир кунига қадар ушбу телефонга ҳеч ким қўнғироқ қилиб ушбу телефон аппарати унга тегишлиги ҳақида сўрамаганини, 2021 йил 26 январь куни ушбу телефон аппаратидан фойдаланиб бир таниши билан хўроз масаласида гаплашиб, унга ўзига тегишли хўрозни сотгани учун пулини олиш масаласида гаплашиб йўл бўйида кўришишга келишиб, маҳалладан чиқиб катта йўл бўйига чиқиб кетаётган вақтида унга олдиндан таниш бўлган Файзалини кўриб у билан гаплашиб, йўл бўйига бирга чиқишганини, йўл бўйидаги Матиз русумли автомашинага ўтириб, хўрозни пулини олган



вақтида Файзали ҳам уни олдига келиб, Матиз ҳайдовчиси ва олди ўриндиғида ўтирган шахс билан сўрашиб кетганини, ўзи ҳам машинадан тушиб кетмоқчи бўлиб турган вақтида уни олдига ИИБ ходимлари келиб, ўзларини таништириб, уларга нисбатан махсус тадбир ўтказилганлигини айтишиб, Сохиб қаерда эканлигини сўрашиб, ёнида бўлган жиноятга алоқадор нарса ва буюмлар бўлса ихтиёрий равишда тақдим этишини сўрашганида ўз ихтиёри билан бироз аввал машинада олган 2.000.000 сўм пулларни ва бир неча кундан буён фойдаланиб келаётган “Нокиа” русумли телефон аппаратини ИИБ ходимларига топширганини, ИИБ ходимлари ўзларида бўлган пул нусхалари билан у топширган пул маблағларини серия рақамларини солиштириб, уни ёнидан чиққан пул сериялари билан айнан бир хил эканини аниқлашганини, тергов давомида унга нисбатан ИИБ ходимлари тазиқ ўтказгани учун Сохиб акани танишлигини уни топшириғи бўйича Файзали билан бирга гиёҳванд моддасини Сохиб ака гаплашган шахсга бериб пулини олиб келиш мақсадида йўл бўйича чиқишганини, Матиз русумли автомашинага ўтириб, махсус харидордан Сохиб ака сўраган пул қани деб сўраганида машина олди ўриндиғида ўтирган кейинчалик билишича махсус харидор унга 2.000.000 сўм пул бериб ундан гашишни сўраганида Файзалини чақирганини, Файзали у ўтирган Матиз автомашинаси олдига келиб целлофан пакетдаги гашишни унга берганида олиб Сохиб ака гаплашган шахсга бергани ҳақида кўрсатма беришга мажбур бўлиб қолганини аслида Сохиб исмли шахсни танимаслигини “Нокиа” русумли телефон аппаратидан 2021 йил 26 январь куни махсус харидор билан бир неча маротаба гаплашилганига изох бера олмаслигини, ўзи гиёҳванд моддалар истеъмол қилсада сотиш ишлари билан шуғулланмаслигини, оилавий шароитини инобатга олиб енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчилар С.Тўронов, Х.Акрамов, Ф.Ядамовларлар суд мажлисида, айбига ижрор бўлмасдан, кўрсатув берган бўлсаларда уларни мазкур жиноятни содир этгани қуйидаги ишончга сазовор далиллар билан ўз тасдиғини топди.

**Гувоҳ Ш.Валидҷонов** суд мажлисида, Сохиб исмли шахс гиёҳвандлик воситасини сотиш билан шуғулланиб келаётганлигини ва унга нисбатан қонуний чора кўришликларини сўраб 2020 йил 26 январь куни Қўқон шаҳар ИИБ бошлиғи номига ариза ёзиб бериб, ихтиёрий равишда ўзи аризаси асосида ўтказиладиган махсус тадбирда махсус харидор сифатида иштирок этганини, ИИБ ходимлари Қўқон шаҳар, Туркистон кўчасида жойлашган “Бахт” номли тўйхонаси орқасида, холислар иштирокида видео кузатув ёрдамида 50.000 сўмлик ва 10.000 сўмлик купюрадаги пуллардан нусхалар олишиб, 2.000.000 сўм пулларни тадбирда фойдаланиш учун тақдим қилиб, тадбир ўтказилиш тартибини тушунтиришганини, шундан сўнг Қўқон шаҳрида жойлашган Лўли маҳалласида яшовчи “Сохиб” исмли шахснинг +99890 307 89 80 рақамига ўзининг +99890 857 57 77 рақамидан телефон қилиб, ундан “гашиш”



гиёҳвандлик моддаси сотиб олишини сўраганида, Сохиб унга бир оздан сўнг телефон қилиб юборишини айтиб, бироздан сўнг соат 20:00ларда “Сохиб” исмли шахс унга телефон қилиб, Қўқон шаҳар, Фаробий кўчасида жойлашган автомашиналарга метан газ қўйиш шаҳобчаси олдига келиб туришини айтганини, шундан сўнг такси машинасида йўловчи сифатида айтилган манзилга бориб Сохибга телефон қилиб айтган манзилига етиб келганлигини айтганида, у йўлни нариги юзида автомашиналарга Метан газ қўйиш шаҳобчаси томонда кутиб туришини 10 грамм “гашиш” гиёҳвандлик моддасини олиб чиқаётганини, 2.000.000 сўм пулини тайёрлаб қўйишини айтганида, уни таклифига рози бўлганини, орадан тахминан 20 дақиқа вақт ўтиб Сохибни ўрнига кейинчалик исмини билишича Хуршид билан Файзулло исмли йигитлар Лўли маҳалладан чиқиб келиб, Фаробий кўчасини кесиб ўтаётган вақтларида улардан бири, Файзулло йўлни ўртасида бетон тўсиқ устида қолиб атрофни кузатиб турганини, Хуршид эса ҳарактини давом эттириб келиб, у ўтирган такси автомашинаси олдига келиб, орқа ўриндиғига ўтириб, унга “Сохиб” акам чиқарди пулни беринг деб айтганида унга “гашиш” қани деб сўраганида, Хуршид унга ерда “хижолат бўлмасдан пулни беринг, гашишни бераман деб айтганида, унга жами 2.000.000 сўм пулларни берганида, у пулларни санаб чўнтагига солиб, машина орқа ойнагини очиб, атрофни кузатиб турган Файзуллони чақирганида Файзулло уларни олдига келиб машина ойнасида Хуршидга целлофан пакетдаги гиёҳванд моддасини берганида Хуршид унга Сохиб ака бериб юборган “гашиш” деб унга узатганини, шундан сўнг Хуршиддан ўзи бу 10 грамм чиқадими, торозинг борми, бу тоза махсулотми деб сўраганида Хуршид унга махсулоти тоzza эканини, Сохиб ака ўзи тортиб берганини айтиб машинадан тушиб кетмоқчи бўлганида Хуршид ва уни шеригини ИИБ ходимлари ушлашганини, шундан сўнг ўзидаги гиёҳванд моддасини холислар иштирокида ИИБ ходимларига топширганини, шу куни Сохиб билан бир неча маротаба телефон орқали гашиш гиёҳвандлик воситасини сотиб олиш масаласида гаплашганини, хўроз ҳақида гаплашмагани ҳақида кўрсатув берди.

**Гувоҳ Б.Солиев** суд мажлисида, ўзига тегишли бўлган “Ласетти” русумли автомашинасида Тошкент-Қўқон йўналиши бўйича кирокашлик қилиб келишини, тахминан 2014 йилдан буён Қўқон шаҳар Лўли маҳалласида яшовчи Сохибни танишини, у билан хўроз олди бердиси масаласида бир неча маротаба гаплашганини, охириги маротаба Сохиб билан 2021 йил 26 январь куни кечки пайт тахминан соат 19-30ларда ўзига тегишли 99899-303-00-57 телефон рақамидан Сохибни 90-307-89-80 телефон рақамига телефон қилиб, унга сотган уч дона хўрозни пулини олиш масаласида гаплашганини, шу куни Сохибдан ташқари бошқа шахс билан бу мавзуда ушбу телефон рақам орқали гаплашмаганини, Сохибни овозидан таниб олишини, ушбу сўзлашувдан сўнг орадан тахминан икки кун ўтиб Сохиб билан кўришиб унга сотган



хўрозларни пулини яъни уч дона хўроз учун 1.200.000 сўм пул олгани ҳақида кўрсатув берди.

**Гувоҳ Э.Эгамбердиев** суд мажлисида, Қўқон “Замин” МЧЖ такси фирмасига тегишли бўлган 40 Н 246 РА давлат белгили “Матиз” русумли автомашинада такси хизматини кўрсатиб келишини, 2021 йилнинг 26 январь куни соат 20:00 ларда Қўқон шаҳар бўйлаб кира қилиб юрган вақтида Қўқон шаҳар Пўстиндўст кўчасида ҳаракатланиб кетаётган вақтида унга нотаниш бир бола тўхтатиб, уни обходнойга метан запрафкаси олдига олиб бориб келинг деб айтганида уни таклифига рози бўлиб Қўқон шаҳар, Фаробий кўчасида жойлашган Метан газ қуйиш шахобчаси олдига келиб иккинчи даражали йўлга ўтиб тўхтаганини, шундан сўнг у билан бирга келган шахс ўзини телефонидан фойдаланиб унга нотаниш бўлган “Сохиб” исмли шахсга қўнғироқ қилиб, айтилган манзилга етиб келганлигини айтганидан сўнг, “Сохиб” исмли шахс кимнидир уни олдига чиқариб юборишини айтганини, орадан тахминан 15-20 минут вақт ўтиб, Лўли маҳалласи томондан икки нафар ўспирин бола чиқиб келиб, улардан бири йўлни ўртасида бетон тўсиқ устида қолиб атрофни кузатиб турганини, иккинчиси эса уни автомашинаси олдига келиб орқа ўриндиғига ўтириб, у билан бирга келган мижозига “Сохиб акам чиқарди пулни беринг” деб айтганида у билан бирга келган мижози унга “гашиш” қани деб сўраганида орқа ўриндиғида ўтирган ўспирин йигит хижолат бўлмасдан пулни беринг гашишни бераман деб айтганидан сўнг машина олди ўриндиғида ўтирган мижози унга қанчадир пул берганида орқа ўриндиқда ўтирган шахс санаб олиб, машина орқа ойнагини очиб, ўзи билан бирга келиб атрофни кузатиб турган шеригини чақирганида, унга нотаниш бўлган ушбу йигит уларни олдига келиб, целлофан пакетга ўралган қўнғир рангли, ўткир хидли гиёҳвандлик моддасини орқа ўриндиқда ўтирган шеригига берганида орқа ўриндиқда ўтирган йигит ушбу гиёҳванд моддасини олиб уни мижозига берганида машина олди ўриндиғида ўтирган у билан бирга келган мижози “ушбу нарса ўзи 10 грамм чиқадими, тозасиданми” деб сўраганида орқа ўриндиқдаги йигит шериги олиб келган целлофан пакет ичидаги қўнғир рангли ўткир хидли гиёҳванд моддасини икки бўлиб уни мижозига хидлатиб, тозаси эканини, Сохиб ака унга бериб юборганини айтиб машинадан тушиб кетмоқчи бўлганида уларни олдига ИИБ ходимлари келиб ўзларини таништириб Лўли маҳалласидан чиқиб келиб уни мижозига гиёҳванд моддасини сотган икки нафар ўспирин йигитларни ушлашганини, уни олдидаги мижозидан гиёҳвандлик моддасини холислар иштирокида хужжатлаштириб олишганини, шундан сўнг Сохиб исмли шахс ва уни шериклари ноқонуний равишда гиёҳванд моддасини сотган вақтида ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинганини тушунгани ҳақида кўрсатув берди.

Қўшимча гувоҳ М.Рахимов суд мажлисида, Қўқон шаҳар ИИБ ФМБда терговчи вазифасида ишлаб келишини, Тўронов Сохиб Сунаттило ўғли ва уни шериклари Акрамов Хуршид ва Ядамов Файзалиларни ноқонуний



ҳаракатлари юзсидан ўтказилган махсус тадбир натижалари бўйича тўпланган ҳужжатлар асосида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан жиноят иши қўзғатиб тергов ҳаракатлари олиб борганини, тергов ҳаракатлари давомида Акрамов Хуршидни ҳимоячиси иштирокида сўроқ қилганида 2021 йил 26 январь куни Сохиб билан уни уйи олдида кўришганида Сохиб ўзини телефон аппаратини унга бериб йўл бўйида бир шахс билан кўришиб, ундан 2.000.000 сўм пулларни олиб, унга 10 грамм гашиш гиёҳвандлик моддасини бериб келишини, Файзали атрофни кузатиб туришини, пулни олганидан сўнг гашишни беришлари ҳақида берган кўрсатмаси асосида Акрамов Хуршид ва Ядамов Файзалилар Фаробий кўчасидаги автомашиналарга метан газ қўйиш шахобчаси олдида махсус харидор билан кўришиб, 2.000.000 сўм эвазига 10 грамм гашиш гиёҳвандлик воситасини махсус харидорга сотишган вақтида ушланишганини, уни ёнидан тадбирда фойдаланилган 2.000.000 сўм пул маблағлари ва Сохиб ишлатиб келган телефон аппарати олингани ҳақида ихтиёрий равишда кўрсатув берганини, ушбу ҳолат бўйича бошқа айбланувчиларни кўрсатувларидаги қарамақаршиликларни бартараф этиш учун юзлаштириш тергов ҳаракати ўтказганида Ядамов Файзали ҳам қилган ишидан пушаймон бўлиб махсус харидорга сотилган гиёҳванд моддалигидан хабари бўлгани ҳақида кўрсатув берганини, Тўронов Сохиб тергов давомида айбига умуман иқрор бўлмасдан 2021 йил 26 январь куни телефонидан умуман фойдаланмаганини, телефон аппаратини турмуш ўртоғи бир неча кун олдин шифохонага ўғлини олиб борганида йўқотиб келгани ҳақида кўрсатув берган бўлсада, тадбир куни Акрамов Хуршиддан олинган телефон кўздан кечирилганида 2021 йил 26 январь куни тадбир ўтказилишидан биров олдин телефонда сўзлашган Солиев Бехзод исмли шахс сўроқ қилинганида 2021 йил 26 январь куни Сохиб исмли таниши билан уч дона хўрозини сотиш масаласида гаплашгани ҳақида кўрсатма берган, бундан ташқари махсус харидор ҳам фақат Сохиб исмли шахс билан гашиш гиёҳванд моддасини 10 грамми 2.000.000 сўмга сотиш юзасидан гаплашгани ҳақида кўрсатув берган, тергов ҳаракатлари давомида судланувчиларга нисбатан ҳеч қандай тазиқ ўтказилмаганини, Ядамов Файзали ўқишни билмагани учун уни опаси Н.Ахмаджонова ва ҳимоячиси иштирокида сўроқ қилингани ҳақида кўрсатув берди.

Қўшимча гувоҳ Ш.Мирахмедов суд мажлисида, Қўқон шаҳар ИИО ФМБ ЖКБда тезкор ва ходим вазифасида ишлаб келишини, Тўронов Сохибни ноқонуний ҳаракатлари юзасидан келиб тушган аризани текшириш мақсадида ўтказилган махсус тадбирда иштрок этганини, дастлаб тадбирга икки нафар холислар жалб қилиниб уларни ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда тадбир ўтказилиш тартиби тушунтирилиб, уларни иштрокида махсус харидорга нусхалар олиниб 50.000 сўмлик ва 10.000 сўмлик купюрадаги жами 2.000.000 сўм тадбирда фойдаланиш учун берилганини, шундан сўнг махсус харидор Сохибни телефон



рақамига кўнғироқ қилиб қаерда учрашишлари ҳақида гаплашганини, шундан сўнг тадбир иштирокчилари билан бирга келишилган манзилда ўз жойларини эгаллашиб, Сохибни чиқишини кутиб туришганида махсус харидорни олдига кейинчалик исмини билишча Хуршид ва Файзали исмли ўспирин йигитлар Лўли маҳалла томонидан чиқиб келиб, Файзали тахминан 25-30 метр масофада йўл бўйида тўхтаб атрофни кузатиб турганида Хуршид махсус харидор билан “Матиз” русумли автомашина ичида кўришиб махсус харидордан 2.000.000 сўм тадбирда фойдаланиш учун берилган пулларни олиб, шериги Файзалини чақирганида Файзали уларни олдига келиб машина ойнасидан целлофан пакетга ўралган гашиш гиёҳвандлик воситасини Хуршид орқали махсус харидорга беришганидан сўнг тадбир иштирокчилари билан бирга Хуршид ва Файзалини ушлашиб Хуршидни чўнтагидан тадбирда фойдаланилган 2.000.000 сўм пул маблағлари ва Сохиб фойдаланиб келган “Нокиа” телефон аппарати олинганини, тадбир якуни бўйича баённомалар тузилиб холислар иштирокида имзолашганини, ИИБ биносига олиб келинганидан сўнг Хуршид ва Файзалидан тушунтириш хати олганида Хуршид қилган ишларидан пушаймон бўлиб бор ҳақиқатни айтиб тушунтириш хати ёзиб берганини, уларга нисбатан ҳеч қандай тазиқ ўтказилмагани ҳақида кўрсатув берди.

**Гувоҳ Б.Толипов суд мажлсида,** 2021 йил 26 январь куни Қўқон шаҳар ИИБ ходимларини таклифига кўра ўз ихтиёри билан холис сифтида махсус тадбирда иштирок этганини, ИИБ ходимлари ундан ташқари яна бир шахсни холис сифатида жалб қилиб, уларга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиришганини, Ш.Валиджонови Қўқон шаҳар ИИО ФМБ бошлиғи номига ёзган аризасини текшириш мақсадида ИИБ ходимлари уларни иштирокида махсус харидорга жами 2.000.000 сўм пулларни Қўқон шаҳрида истиқомат қилувчи Сохиб исмли шахсдан гашиш гиёҳванд моддасини сотиб олиши учун бериб бу ҳақида баённома расмийлаштиришганини, шундан сўнг махсус харидор Сохиб ишлатиб келаётган +99890-307-89-80 телефон рақамига кўнғироқ қилиб, унга гашиш гиёҳвандлик моддаси кераклигини айтганида кечки пайтда у Қўқон шаҳар Фаробий кўчасида кўришишга келишишганини шундан сўнг ИИБ ходимлари билан белгиланган жойга Фаробий кўчасида жойлашган автомашиналарга метан газ қуйиш шахобчаси ёнига келишганини, орадан биров вақт ўтиб, махсус харидор сариқ рангли “Матиз” русумли машинада бориб йўл четида кутиб турган вақтида Лўли маҳалладан икки нафар кейинчалик билишча Хуршид ва Файзали исмли йигитлар чиқиб келиб, улар машина йўлидан ўтиш вақтида Файзали йўлни ўртасидаги бетон тўсиқ устида қолганини, Хуршид эса махсус харидор ўтирган машинани орқасига чиққанини, бу ҳолатни ИИБ ходимлари билан бирга кузатиб туришганини, орадан маълум вақт ўтиб, йўлни ўртасида турган Файзали машинани ёнига келиб, машинани орқа ойнасидан машинада ўтирган шериги билан сўрашиб, ортига қайтиб кетганини, шу орада машинага биров олдин ўтирган Хуршид машинадан



тушганидан сўнг махсус харидор белгиланган ишорани берганини шундан сўнг ИИБ ходимлари билан биргаликда Хуршидни ва йўлдан ўтиб кетган Файзалини ушлашиб, уларга ИИБ ходимлари ўзларини таништириб, хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, тадбир ўтказилганлиги маълум қилишиб, эғнида бўлган кийимларида жиноятга алоқадор нарса бўлса ихтиёрий топширишини тушунтиришганида Хуршид ўзини эғнида бўлган кийимини чўнтагидан 50.000 сўмлик ва 10.000 сўмлик жами 2.000.000 сўм пулларни ихтиёрий топширганида ушбу пуллар уларни иштирокида тадбир учун берилган пулларни серия рақамлари билан солиштириб кўрилганида рақамлари бир хил эканлиги аниқланганини, ИИБ ходимлари Файзалини ёнини кўздан кечиришганида ҳеч нарса топилмаганини, тадбир бошлашдан олдин махсус харидорга тадбир тугаганидан сўнг айтиб ўтилган жойга ИИБ ходимлари билан биргаликда борилганида, махсус харидор ўз ихтиёри билан тадбир учун берилган пулларга сотиб олган бир дона целлофан пакетга солинган гиёҳвандлик моддасига ўхшаш моддани топширганида ИИБ ходимлари уларни иштирокида баённома тузиб олиб алоҳида хатжилдга солиниб муҳрланганини, ҳолатлар бўйича баённома тузилганида имзолагани ҳақида кўрсатув берган.

**Юқоридагилардан** ташқари, суд судланувчиларнинг айби, махсус харидорга Соҳиб исмли шахсдан гиёҳвандлик воситасини сотиб олиш учун махсус пулларни бериш баённомаси ва фотоилова, Х.Акрамов топширган ашёвий далилларни олиш ва кўздан кечириш баённомаси, махсус харидор топширган ашёни олиш ва кўздан кечириш баённомаси, ашёвий далилни тортиб олиш баённомаси, суд кимёвий экспертизасининг 2021 йил 27 январь кунги 27-сонли хулосаси ва фотоилласи, юзлаштириш баённомалари, ашёвий далилларни сақлаш учун топшириш жараёнида кўздан кечириш далолатномаси, суд наркологик экспертизасининг 2021 йил 08 февралдаги Ф.Ядамовни гиёҳвандлик касаллиги билан касалланмагани ҳақидаги 20-сонли, суд наркологик экспертизасининг 2021 йил 08 февралдаги С.Туронови гиёҳвандлик касаллиги билан касалланмагани ҳақидаги 22-сонли далолатномаси ҳамда суд наркологик экспертизасининг 2021 йил 08 февралдаги Х.Акрамовни каннабиноидларга тобеликни (гашишамания) 2 босқич касаллигидан мажбурий равишда даволанишга муҳтожлиги ҳақидаги 21-сонли далолатномаси, ашёвий далил тариқасида олинган С.Туроновга тегишли “Нокиа” русумли телефон аппаратини кўздан кечириш баённомаси ва фотоилова ҳамда гувоҳ Ш.Акрамов ва Б.Толиповларни суд мажлисида текширилган дастлабки терговдаги кўрсатувлари билан тўлиқ ўз исботини топди деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги Қарорининг 16-бандида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир



этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади. Айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозим. Шундан келиб чиқиб, судланувчи томонидан терговда ёки судда айбини бўйнига олиш ҳолати у иш бўйича тўпланган ҳамда судда текширилган бошқа далиллар билан ҳолисона исботланган тақдирдагина айблов ҳукми чиқаришга асос бўла олиши;

Қарорнинг 21-бандида айблов ҳукмининг тавсиф қисмида, судланувчининг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиши, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиши керак, шу билан бирга, ҳукмда судланувчининг айбини исботлашга, жиноятнинг квалификациясига ёки жазо тайинлашга алоқадор бўлган кўрсатувларигина акс эттирилиши лозим.

Судланувчи томонидан ўзининг суриштирув ва дастлабки терговда берган кўрсатувларини ўзгартирган тақдирда суд унинг бу ва бошқа кўрсатмаларини батафсил текшириши ва уларга иш бўйича тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан биргаликда баҳо бериши лозим деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш деганда, уларни Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган шарт ва тартибни бузган ҳолда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (олиб чиқиш), транзит тарзида ўтказиш, сақлаш, бериш, реализация қилиш, тақсимлаш, олиш, ташиш, жўнатиш, ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, улардан фойдаланиш ва уларни йўқ қилиш, шунингдек таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни етиштириш тушунилиши;

қарорнинг 20-банди 3-қисмида, дастлабки тергов органлари ва судлар ҳар бир иш бўйича гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллашдан кўзланган мақсадни аниқлашлари зарур. Бундай восита ёки моддаларни эгаллаш уларни келгусида ўтказиш (сотиш) учун содир этилганлиги аниқланган тақдирда, айбдорнинг ҳаракатлари қайд этилган жиноятларга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд сифатида қўшимча равишда ЖК 25, 273-моддаси билан квалификация қилиниши;

қарорнинг 21-банди 4-хатбошисида Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни сотиш усулида кўп миқдорда ўтказиш уларни ўтказишнинг энг ижтимоий хавфли кўриниши ҳисобланиши туфайли, мазкур қилмиш ЖК 273-моддасининг бешинчи қисми билан квалификация қилиниши лозим. Мазкур восита ёки моддаларни кўп



миқдорда бошқа барча усулларда ўтказиш ЖК 273-моддасининг бошқа тегишли қисми билан жавобгарлик келиб чиқишига сабаб бўлиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Судланувчи С.Тўроновни суд мажлисида айбига иқроп бўлмасдан 2021 йил 26 январь куни “Нокиа” русумли телефон аппарати ўзида бўлмаганини, уни бир неча кун олдин турмуш ўртоғи шифохонага фарзандини олиб борганида йўқотиб қўйганини, ушбу телефони оддий арзон аппарат бўлгани сабабли ахтармаганини хатто қўнғироқ қилиб текшириб ҳам кўрмаганини, тадбир ўтказилган куни Хуршид исмли боладан уни телефони топилганига ва иш бўйича гувоҳ Б.Солиев ва махсус харидор билан 2021 йил 26 январь куни ўзига тегишли телефон аппаратидан фойдаланиб гаплашмаганини, Хуршидни танимаслигини, Хуршид ва Файзалилар билан гиёҳванд моддасини сотиш бўйича гаплашмагани ҳақидаги;

Судланувчи Ф.Ядамовни суд мажлисида 2021 йил 26 январь куни Хуршид уни эғнидаги кийимини чўнтагига солиб қўйган целлофан пакетдаги нарсани мумиё деб ўйлагани ҳақидаги;

Судланувчи Х.Акрамовни суд мажлисида 2021 йил 26 январь куни таниши билан телефон орқали гаплашиб хўрозини сотиб юбормоқчи бўлиб у билан Метан заправкаси олдида кўришиб сотган хўрозини пулини олганини, Ф.Ядамов у ўтирган Матиз автомашинаси олдида келиб, машина олдида ўтирган шахс билан сўрашиб кетганидан сўнг ИИБ ходимлари уни ушлашганини, Сохиб исмли шахсни танимаслигини, Сохиб фойдаланиб келган телефон аппаратини бир неча кун олдин уни машинасида кимдир қолдириб кетгани сабабли ушбу телефондан фойдаланиб келганини, тергов давомида тазиқ ўтказилгани сабабли Сохиб билан гиёҳванд моддасини сотиш бўйича гаплашгани ҳақида кўрсатма бергани ҳақидаги кўрсатувлари судланувчиларни жавобгарликдан қутулиш мақсадида берилган важ деб баҳолаб, бу кўрсатувларини танқидий баҳолашни лозим топди.

Судланувчиларни ушбу важлари махсус харидор Ш.Валиджонов, гувоҳ Б.Солиев, Э.Эгамбердиев, қўшимча гувоҳ М.Рахимов ва Ш.Мирахмедовларни суддаги кўрсатувлари ва гувоҳ Б.Толиповни ва Ш.Акрамовларни суд мажлисида текширилган дастлабки терговдаги кўрсатувлари, ашёвий далилларни олиш ва кўздан кечириш баённомалари, С.Тўронов фойдаланувида бўлган “Нокиа” телефон аппаратини кўздан кечириш баённомаси, судланувчи Х.Акрамовни тергов жараёнида ҳимоячиси иштирокидаги сўроқ баённомаси ва юзлаштириш баённомалари билан тўлиқ рад қилинади.

Махсус харидор Ш.Валиджонов, гувоҳ Б.Солиев, Э.Эгамбердиевларни тергов ва суддаги кўрсатувлари махсус харидорга Сохиб исмли шахсдан гиёҳвандлик воситасини сотиб олиш учун махсус пулларни бериш баённомаси ва фотоилова, Х.Акрамов топширган ашёвий далилларни олиш ва кўздан кечириш баённомаси, махсус харидор топширган ашёни олиш ва кўздан кечириш баённомаси, ашёвий



далилни тортиб олиш баённомаси, суд кимёвий экспертизасининг 2021 йил 27 январь кунги 27-сонли хулосаси ва фотоиловаси, юзлаштириш баённомалари, ашёвий далил тариқасида олинган С.Тўроновга тегишли “Нокиа” русумли телефон аппаратини кўздан кечириш баённомаси судланувчи Х.Акрамовни тергов давомида ҳимоячиси иштирокидаги кўрсатмалари ва юзлаштириш баённомалари ҳамда гувоҳ Ш.Акрамов ва Б.Толиповларни суд мажлисида текширилган дастлабки терговдаги кўрсатувлари билан тасдиқланган, махсус харидор Ш.Валиджонов, гувоҳ Б.Солиев, Э.Эгамбердиевларни тергов ва суддаги кўрсатувлари ишончга сазовор бўлиб, ишнинг ҳақиқий ҳолатларига тўғри келади.

Суд, тергов органи томонидан судланувчи С.Тўроновни жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан тўғри квалификация қилган деб ҳисоблайди.

Шундай қилиб, С.Тўронов 2021 йил 26 январь куни соат 20-00ларда жиноий шериклари Х.Акрамов ва Ф.Ядамовлр билан бир гуруҳ бўлиб, кўп миқдордаги 8,60 грамм “Гашиш” гиёҳвандлик воситасини махсус харидор Ш.Валиджоновга қонунга хилоф равишда 2.000.000 сўм эвазига сотишдан иборат ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятни қасддан содир этган.

Шундай қилиб, Х.Мирзаев 2021 йил 26 январь куни соат 20-00ларда жиноий шериклари С.Тўронов ва Ф.Ядамовлр билан бир гуруҳ бўлиб, кўп миқдордаги 8,60 грамм “Гашиш” гиёҳвандлик воситасини махсус харидор Ш.Валиджоновга қонунга хилоф равишда 2.000.000 сўм эвазига сотишдан иборат ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятни қасддан содир этган.

Шундай қилиб, Ф.Ядамов 2021 йил 26 январь куни соат 20-00ларда жиноий шериклари Х.Акрамов ва С.Тўроновлр билан бир гуруҳ бўлиб, кўп миқдордаги 8,60 грамм “Гашиш” гиёҳвандлик воситасини махсус харидор Ш.Валиджоновга қонунга хилоф равишда 2.000.000 сўм эвазига сотишдан иборат ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятни қасддан содир этган.

Суд, судланувчи С.Тўроновга жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандидаги жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги, 3-бандидаги Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятни хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ



бўлиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтиришларга амал қилиб, жиноятни ғаразли мақсадда содир этганини, илгари қасддан содир этган ўта оғир жинояти учун судланиб, жазони ўташ муддати давомида қасдан яна ўта оғир жиноят содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида, оилада ягона боқувчилигини, енгиллаштирувчи ҳолат сифатида эътиборга олиб, шунингдек содир этилган жиноятдаги иштирокчилик даражасини ҳисобга олиб, модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини энг кам муддатини тайинлашни, ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2019 йил 24 январь кунги ажрими билан ЖКнинг 46-моддаси тартибида алмаштирилиб, ўталмаган 2 ой 7 кун озодликни чеклаш жазоси мазкур ҳукм билан тайинланган жазога қисман қўшиб, ўташ учун узил кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, шунингдек ЖКнинг 34-моддаси “а” банди талаби асосида С.Тўроновни ўта хавфли рецидивист деб топиб, тайинланган жазони махсус тартибли колонияларда ўташини белгилашни лозим топди.

Суд, судланувчи Х.Акрамовга жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандидаги жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги, 3-бандидаги жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятни хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтиришларга амал қилиб, жиноятни ғаразли ниятда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, оилавий шароитини, муқаддам судланмаганини, Х.Акрамовни жинойий ҳаракатни фош этишда тергов давомида кўмаклашганини енгиллаштирувчи ҳолат сифатида эътиборга олиб, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ жазо тайинлаб, тайинланган жазони умумий тартибли колонияларда ўташини белгилашни лозим топди.

Суд, судланувчи Ф.Ядамовга жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандидаги жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги, 3-бандидаги Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятни хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек



жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтиришларга амал қилиб, жиноятни ғаразли ниятда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, оилавий шароитини жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида эътиборга олиб, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, уни содир этилган жиноятдаги иштирокчилик даражасини ҳисобга олиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ жазо тайинлаб, тайинланган жазони умумий тартибли колонияларда ўташини белгилашни лозим топди.

Шунингдек, суд ашёвий далил тариқасида олиниб, ДХХ Фарғона вилоят бошқармаси ашёвий далилларни сақлаш омборида сақланаётган, экспертиза тадқиқоти учун сарфланганидан қолган, 8,45 грамм “Гашиш” гиёҳвандлик воситасини йўқ қилишни ҳамда ашёвий далил тариқасида олинган “Нокиа” русумли телефон апаратыни С.Тўроновни турмуш ўртоғи К.Тўроновага қайтаришни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб, суд

### **Ҳ У К М Қ И Л Д И:**

Тўронов Соҳибжон Суннатулла ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан айбли деб топилсин.

Тўронов Соҳибжон Суннатулла ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан 10 (ўн) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2019 йил 24 январь кунги ажрими билан ЖКнинг 46-моддаси тартибида алмаштирилиб, ўталмаган 2 ой 7 кун озодликни чеклаш жазоси мазкур ҳукм билан тайинланган жазога қисман қўшиб, ўташ учун узил кесил 10 (ўн) йил 2 (икки) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Судланувчи С.Тўронов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 34-моддаси 3-қисми “а” банди тартибида ўта хавfli рецидивист деб топилсин.

Тайинланган жазони махсус тартибли колонияларда ўташ учун юборилсин.

Жазони ўташ муддати 2021 йил 06 февраль кунидан ҳисоблансин.

С.Тўроновга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Акрамов Хуршиджон Акбаржон ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан айбли деб топилсин.



Акрамов Хуршиджон Акбаржон ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 6 (олти) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазони умумий тартибли колонияларда ўташ учун юборилсин.

Жазони ўташ муддати 2021 йил 27 январь кунидан ҳисоблансин.

Х.Акрамовга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси ўзгаришсиз қолдирилсин.

Х.Акрамов жазони ўташ муддати давомида ЖКнинг 96-моддаси асосан каннабиноидларга тобеликни 2-босқич касаллигидан мажбурий тартибда даволантирилсин.

Ядамов Файзали Фарходжон ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан айбли деб топилсин.

Ядамов Файзали Фарходжон ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 6 (олти) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазони умумий тартибли колонияларда ўташ учун юборилсин.

Жазони ўташ муддати 2021 йил 27 январь кунидан ҳисоблансин.

Ф.Ядамовга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси ўзгаришсиз қолдирилсин.

Ашёвий далил тариқасида олиниб, ДХХ Фарғона вилоят бошқармаси ашёвий далилларни сақлаш омборида сақланаётган, экспертиза тадқиқоти учун сарфланганидан қолган 8,45 грамм “Гашиш” гиёҳвандлик воситаси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг йўқ қилинсин.

Ашёвий далил тариқасида олиниб, жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг ашёвий далиллар сақлаш хонасида сақланаётган “Нокиа” русумли телефон аппарати К.Тўроновага қайтарилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб йигирма сутка ичида, судланувчилар ҳукм нусхасини олгандан сўнг шу муддат ичида шаҳар суди орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида протест ёки шикоят келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи:

имзо

М.Улуғбеков

Халқ маслахатчилари: 1.

имзо

Г.Тошматова

2.

имзо

С.Холматов

**Ҳукм нусхаси аслига тўғри:**

**М.Улуғбеков**

